

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

241 Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилувчи шахсларни, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни ҳисобга олиш ва кузатиб бориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1494-1*

(2011 йил 13 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда) ҳамда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда) қонунларига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2005 йил 15 июндаги 278-сон буйруғи (рўйхат рақами 1494, 2005 йил 15 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон, 212-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилувчи шахсларни, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни ҳисобга олиш ва кузатиб бориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 27 май,
148-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил
27 майдаги 148-сон буйруғига
ИЛОВА

**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни
нотиббий истеъмол қилувчи шахсларни, гиёҳвандлик
ёки захарвандлик билан касалланган беморларни ҳисобга
олиш ва кузатиб бориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. Ушбу Йўриқнома гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилувчи, шунингдек гиёҳвандлик ёки захарвандлик билан касалланган вояга етмаган беморларни ҳисобга олиш ва кузатиб боришга татбиқ этилмайди».

2. 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ёши ўн тўртга тўлмаган вояга етмаганларга эса — уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг илтимосига ёхуд уларнинг розилигига кўра» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

Бош прокурор ўринбосари

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2011 йил 4 май

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2011 йил 28 апрель